



Научный вестник Бухарского государственного университета * Scientific reports of Bukhara state University



ISSN 2181-6875

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI**

2/2018



• ANIQ VA TABIIY FANLAR

| | |
|--|-----|
| Джурраев Д.Р., Шарипов М.З., Хайитов Д.Э. Магнитооптические свойства феррита-граната $Tb_{0.2}Y_{2.8}Fe_{0.12}$ вблизи температуры спинпереориентационного фазового перехода | 2 |
| Умаров С.Х., Халлоков Ф.К. Стационарные характеристики фотопроводимости монокристаллов $TlInS_2$ | 6 |
| Гулямов Г., Эркабоев У.И., Шарибаев Н.Ю., Мирзакаримов М.М., Узоков Ф.Г., Мирзаев Ж.И. Моделирование температурной зависимости осцилляций Шубникова-де ГаАза в полупроводниках | 11 |
| Рахимов У.Х., Собиров Ш.А. Исследование влияния высокотемпературной обработки на электрофизические свойства и параметры эпитаксиальных структур на основе GAAS | 17 |
| Дурдиев У.Д. Задача определения ядер из двумерной системы интегро-дифференциальных уравнений Максвелла | 21 |
| Рахмонов К.С., Исабаев И.Б., Атамуратова Т.И. Использование кормовых мучек в качестве субстрата питательной среды пшеничных заквасок в производстве хлеба | 27 |
| Жураев Ф.М. Задача типа геллерстедта для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа | 33 |
| Narziyev U.Z., Rajabov B.H. Dasturlanuvchi mantiqiy integral sxema imkoniyatlarini boshqarish | 40 |
| Jalolova P.M., Abdalazizov B.T. Innovatsion texnologiyalar vositasida atom orbitalarini modellashtirish | 44 |
| Атауллаев Ш.Н., Фозилов С.Ф., Мавлонов Ш.Б., Фозилов Х.С. Исследование процесса деструктивной гидрогенизации деасфальтизата тяжелых нефтей в присутствии никель-молибденовых катализаторов | 48 |
| Doniyogov B.N. Vitaminlarning inson hayotidagi roli | 53 |
| Шамсиев Н.А., Атоева Р.О., Кенжаев О.Қ. Қорамол катта қорнидаги ҳазм жараёнига мис ва унинг катион табиатли антогонистларининг яққа ва кўш таъсири | 57 |
| • TILSHUNOSLIK | |
| Бушуй Т.А. Возникновение языкового множества | 62 |
| Pardayeva Z.J., Murtazayeva F.R. Применение инновационных технологий на занятиях литературы | 66 |
| Назарова С.А. Сўз бирикмаларининг вазифаси ва янги атов бирикмалари | 70 |
| Бабакулов И.Т. Об изучении систем слово-образовательных категорий (СК) имен существительных русского и узбекского языков | |
| ик ва ундаш категорияси: ундаш категориясининг лингвистик мақоми | 77 |
| Одилова Г.К. Ўзбек, рус, инглиз гастронимик олам миллий манзарасида "Нон" глуттонимининг ўрни | 82 |
| Маджидова Р.У. Социолингвистический анализ фразеологических единиц | 86 |
| Абдурахманов Ф.И. Дистрибутивный метод в изучении лексико-семантических групп глаголов | 90 |
| Rahmatova M.M. Injilda "go'zallik" tushunchasi talqini | 93 |
| Ботирова А.Э. Сўз туркумларининг бирламчи ва иккиламчи вазифалари | 97 |
| Попов Д.В. Спорные вопросы периодизации русского литературного языка | 102 |
| G'ulomova Sh.Q. Evfemizmning o'rganilish tarixi va tasnifi | 107 |
| Kadirova N.A. Bichish-tikish hunariga oid o'zbekcha atamalarining inglizcha talqini xususida | 112 |
| Ортиқова Х.М. Тил – маданият кўзгуси | 116 |
| Сапарова М.Р. Бадиий таржимада персонажлар нутқини бериш муаммолари | 119 |
| Турдалиева Д.С. Лисоний имкониятларнинг бадиий воқеаланиши | 125 |
| Хасанова О. Қ. "Дунёнинг ишлари" асари фонопоэтикаси (Ўзбек ва немис тилларида) | 129 |
| Ro'ziyeva S.H. O'zbek tilshunosligida modellashtirishning o'ziga xos xususiyatlari | 133 |
| • ADABIYOTSHUNOSLIK | |
| Ўраева Д.С. А.Қодирий романларида жаҳон романчилиги аъналарининг акс этиши | 138 |
| Қувватова Д.Х. Садриддин Айний ва ўзбек насри тараққиёти | 142 |
| Рўзиева М.Э. Халқ дostonларида оқ, қора, қизил ранглар рамзийлиги ҳақида | 145 |
| Бердиев Х.Х. «Девону луготит турк» асаридаги шеърый парчаларда солецизм ҳодисаси | 149 |

| | |
|---|---------|
| Тўхсанов Қ.Р. Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарига аёл образи бадиий талқини | 153 |
| Давронова Ш.Ғ. Тарихий воқеалик тасвири: ўзбек ва жаҳон адабий аъналарининг бадиий синтети | 159 |
| Давронова М.И. Усмон Азим ижодида жанрлар масаласи ва унда услуб бирлиги | 163 |
| Мажитова С.Ж. Слова, обозначающие части тела, в газелях Джами | 168 |
| Темирова Дж.Х. Приемы и средства сатирической литературы XX века | 173 |
| Махмудова Н.С. Хитой адбаси Би Шумин ижодида инсон рухиятининг ифодаланиши | 177 |
| Sayidova R.A., Sayidova L.A. She'riy matnda paradigmatic munosabatlar | 181 |
| • NAVOIY GULSHANI | |
| Эшонкулов Ҳ.П. Ғайр нақшидин ҳамул кул бирла пок этти сипехр | 188 |
| • FALSAFA VA HUQUQ | |
| Абдуллаева Ф.Ш. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг барқарор ривожланиш йўлида | 191 |
| Шоев И.Х. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан – мощный импульс для поступательного движения по пути реформирования и модернизации страны | 194 |
| Raxmatova M.M. Yoshlar ma'naviy salohiyatini yuksaltirishda o'zini-o'zi boshqarish organlarining o'rni va roli | 198 |
| Самадова С.С. "Харакатлар стратегияси" ва миллатлараро тотувлик муаммолари | 204 |
| Turdiyev B.S. Ma'naviy yangilanish: yangi qaror va hayotbaxsh islohotlar strategiyasi | 208 |
| • TARIXSHUNOSLIK | |
| Наврұзов С., Артиков Х. Вопросы государственного управления Хивинского ханства в востоковедческой литературе конца XIX- начала XX вв (историография проблемы) | 214 |
| Утаева Ф.Х. Манғит ҳукмдорларининг фаолияти ва шахсияти мустақиллик йилларидаги даврий матбуот талқинида | 219 |
| Ҳайитов Ж.Ш. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда узум янги навларининг тарқалиш тарихи | 224 |
| • IQTISODIYOT | |
| Қаҳҳоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёнини самарали бошқаришга оид назарий ёндашувлар | 230 |
| • PEDAGOGIKA | |
| Ақбаров А.А. Стратегии аргументации и вежливости для усиления языковой компетенции у студентов категории с1/с2, изучающих английский язык как второй иностранный язык | 237 |
| Ergashov M.Ya., Ochilova M.K. Umumiy kimyo fanidan moodle tizimida qo'llaniladigan testlar va ulardan foydalanish | 244 |
| Салимов Ғ.М. 7-10 ёшли болалар жисмоний тарбиясида миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари | 248 |
| Олимов Л.Я., Остонов Ж.Ш. Эксперт-психолог фаолиятида қиёра ва визуал психодиагностиканинг аҳамияти | 251 |
| Qurbonova O'U. Abu Nasr Forobiyning "Fozil odamlar hahri" asarida ta'lim-tarbiya asallari | 257 |
| Ибрагимов М.Б. Бухоро вилояти футбол мактабининг иш таҳлили | 263 |
| Ибрагимов А.К., Жабборов И.Б. Бошланғич тайёрлов гуруҳларида шуғулланувчи спортчиларнинг чаққонлик сифатларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг ўрни | 267 |
| • SAN'ATSHUNOSLIK | |
| Abdullayev Y.Z. Qadimiy va navqiron Buxoro me'morchiligi | 271 |
| Murodov Sh.K., Tashimov N.E., Mamurova D.I. Simmetriya tekisligiga ega bo'lgan ikki sirtning kesishish chizig'ini yasashning analitik usuli | 274 |
| Gulova A.A. Buxoro me'morchiligidagi minoralar va minorasimon qurilmalarining o'ziga xos jihatlari | 278 |
| • QUTLOV | |
| Эргашов М.Я., Бекова Н.Ж. Собиров Толиб Рўзиевич кутлуг 60 ёшда | 282 |
| • XOTIRA | |
| Рашидов Умар Жўраевич | 284 |
| • E'OLON | |
| "Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари | 285-286 |

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА РЕЧИ ПЕРСОНАЖЕЙ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

THE PROBLEMS OF TRANSLATING THE CHARACTERS' SPEECH IN LITERARY WORKS

Сапарова Моҳигул Рамазоновна

БухДУ Инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: бош қаҳрамон, образ, таржимон, ёзувчи, юсак санъаткорлик, бадиий тасвир, ғоявий позиция, эстетик қарашлар, гуманизм, бадиий проза.

Ключевые слова: протагонист, образ, переводчик, писатель, великий художник, художественный образ, идеологическая позиция, эстетические взгляды, гуманизм, художественная проза.

Key words: protagonist, image, translator, writer, great artist, artistic image, ideological position, aesthetic views, humanism, artistic prose.

Ушбу мақолада бадиий асарларни таржима қилганда персонажлар нутқида учрайдиган муаммоларни Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” прозасининг учта тилдаги (инглиз, рус, ўзбек) таржимасида мисоллар орқали таҳлили ёритилган.

В данной статье рассматриваются проблемы перевода речи персонажей в произведении Э.Хемингуэя «Старик и море». А также проведен анализ перевода примеров из данного произведения на трёх языках (английском, русском, узбекском).

This article deals with the problems of translating the characters' speech in E. Hemingway's work "The Old Man and the Sea". Translation of the examples taken from this work in three languages (English, Russian, Uzbek) has also been analyzed in the article.

Кириш. Ўзбек адабиётининг қўлга киритган ютуқлари, ёзувчиларимизнинг юсак санъат асарларини яратиш йўлидаги жонбозликлари туфайли таржимачилигимиз ҳам камол топа борди. Мисол қилиб, буюк Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” қиссаси ўзбек тилига таржима қилиниши бежиз эмаслигини айтишимиз мумкин. Бу қисса инсон жасорати ва саботига мадҳиядир. Бундай асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши муҳим бир тарихий шарт-шароитнинг маҳсули деб қаралиши лозим. Чунки қисса сюжети баъзи бир китобхонлар қизиқиб, ҳайратга тушиб ўқийдиган воқеалар асосида қурилмаган. Ҳатто, айтиш мумкинки, асарда бирор кишига сўзлаб бергулик қизиқарли воқеа йўқ.

“Чол ва денгиз” повестининг мазмуни жуда оддий. Унинг бош қаҳрамони кубалик кекса балиқчи. У 84 кун денгизда ов излаб бирорта балиқ тутмасдан қуруқ қайтади. 85-кун унинг қармоғига жуда катта балиқ илинади. Табиийки, бундай катта балиқни қўлга киритиш осон бўлмайди. Ёзувчи асарга шу катта балиқ билан чол ўртасидаги боғлиқликни асос қилиб олган. Чол шундай катта балиқни ўзининг кексалигига қарамасдан изнига бўйсундиришга муваффақ бўлади. Табиат стихияси билан инсон иродаси ўртасидаги кураш асарнинг лейтмотивидир. Шу ваҳший куч билан кексайиб қолган, нимжонгина чол ўртасидаги кураш орқали инсонпарвар ёзувчи инсоннинг ҳамма нарсага қодир эканини кўрсатиб беради. Ҳақиқатдан ҳам инсон ҳамма нарсадан қудратлидир. Табиат нимаики яратибди, аввало у инсон учун. Бироқ шу яратилган нарсалардан қандай фойдаланиш, қай йўсинда уни асраш бугунги кунда бутун башариятнинг олдидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Ёзувчи бу масалаларни ҳам қиссада четлаб ўтгани йўқ. Асарнинг бош қаҳрамони Сантьяго орқали ўзини ҳаётга қараш нуқтаи-назарини тўла акс эттирди.

“Чол ва денгиз” повести мазмун жиҳатидан кенг тармоқлидир. Бу асарни ўқиган ҳар бир китобхон ўзига маъно чиқаради, инсон ҳақида маълум хулосаларга келади. Шунинг учун ҳам бу асар илк эълон қилинган пайтларидаёқ жуда катта шов-шувларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу шов-шувларнинг, мунозараларнинг боиси асарнинг мазмундорлигига бориб тақалади. Ёзувчига ушбу қиссаси учун 1954 йилда халқаро Нобель мукофотининг берилиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам “Чол ва денгиз”нинг адабиётимизга кириб келишига оддий бир ҳодиса сифатида қараш бу инсофдан эмас, албатта. Иброҳим Ғафуров бу асарни таржима қилишда адабиётимиздаги ўша пайтда энди камол топаётган инсон муаммоси масаласини ниҳоятда чуқур англаган ҳолда киришганлиги кўзга ташланади.

Ўқувчи бу асар таржимасини ўқир экан, мутаржим И.Фафуров, Э.Хемингуэйнинг ижодий манерасини, унинг ғоявий позициясини яхши англаганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу асарнинг ўзбекча нусхасида ҳам қиссининг кириш қисмидаги чол яшаган муҳит, денгизчилар ҳаёти ниҳоятда нафис тасвирланган. Гўё денгиз нафаси, балиқнинг ҳиди бурнингизга урилгандек ҳис этасиз. Асарнинг бош қаҳрамони Сантьяго ҳамма балиқчилар қатори оддий бир заҳматқаш, бугунги топгани эртага етмайдиган бир камбағал тарзида бериладики, китобхон бу саҳифаларни ўқиганда оддий бир меҳнатқашнинг сиймоси кўз олдида гавдаланади.

... he always went down to help him carry either the coiled lines or the gaff and harpoon and the sail that was furled around the mast. The sail was patched with flour sacks and; furled, it looked like the flag of permanent defeat.

The old man was thin and gaunt with deep wrinkles in the back of his neck. The brown blotches of the benevolent skin cancer the sun brings from its reflection on the tropic sea were on his cheeks. The blotches ran well down the sides of his face and his hands had the deep-creased scars from handling heavy fish on the cords. But none of this scars were fresh. They were old as erosions in a fishless desert.

Everything about him was old except his eyes and they were the same colour as the sea and were cheerful and undefeated[6].

... он выходил на берег, чтобы помочь ему отнести домой снасти или багор, гарпун и обернутый вокруг мачты парус. Парус был весь в заплатках из мешковины и, свернутый, напоминал знамя наголову разбитого полка.

Старик был худ и изможден, затылок его прорезали глубокие морщины, а щеки были покрыты коричневыми пятнами неопасного кожного рака, который вызывают солнечные лучи, отражённые гладью тропического моря.

Пятна спускались по щекам до самой шеи, на руках виднелись глубокие шрамы, прорезанные бечевой, когда он вытаскивал крупную рыбу. Однако свежих шрамов не было. Они были стары, как трещины давно уже в безводной пустыне.

Всё у него было старое, кроме глаз, а глаза были цветом похоже на море, весёлые глаза человека, который не сдаётся[2].

У (Манолин) чолнинг ускуналари, чангак, гарпун ва мачтага ўралган елканларни ташиб олишгани қирғоққа келади. Дағал матодан тўқилган елкан ямалавериб ола-қуроқ бўлиб кетган ўроқлик ҳолда яксони чиққан полкнинг яловига ўхшар эди.

Чол ориқ ва ҳолдан тойган, энсаси чуқур ажинлар тилиб ўтган, бетлари эса қуёш нурини тропик денгиз юзида акс этиб чиқишидан пайдо бўладиган беозор тери ракининг жигарранг доғлари билан қопланган эди.

Доғлар чўзилиб гарданга тушган, йирик балиқларни тортиб олаётганда чизимчалари ўйиб юборган қўлларида чуқур чандиқ излари кўринади. Аммо бу излар ичида янгиси йўқ, ҳаммаси ҳам узоқ сувсизликдан қақрқб ётган доғлар чўзилиб гарданга тушган, йирик балиқларни тортиб олаётганда чизимчалари ўйиб юборган қўлларида чуқур чандиқ излари кўринади. Аммо бу излар ичида янгиси йўқ, ҳаммаси ҳам узоқ сувсизликдан қақраб ётган биёбон дарзлари сингари кўҳна эди. Чолда нимаики бор бўлса, бари ҳам эски, фақат денгиз тусини олган мовий мардона одамларникига хос қувноқ кўзлари бундан мустасно эди[1].

Мана шу келтирилган парчада омади юришмаган балиқчининг ҳаёт тарзи ниҳоятда реал акс этган. Мутаржим чолнинг ҳаётига тегишли, унинг турмушини акс эттирадиган ёзувчи тасвирлаган муҳим: “Ямалавериб ола-қуроқ бўлиб кетган”, “яксони чиққан полкнинг ялови” каби деталларни топқирлик билан қўллайди. Бу деталлар рус тилида: “Напоминал знамя на голову разбитого полка”, “заплатах из мешковинный” тарзида берилган. Биз асл нусхада чол ҳаётини акс эттириш учун берилган бу деталларни рус тилидаги варианты билан қиёсласак, рус таржимонларининг оригиналга тўғри ёндашганларини кўрамиз. Ўзбек таржимони унга ижодий киришиб, баъзи бир характерли деталларни ўзидан қўшади. Мазмунини кучайтиришга, тўлдиришга, мутаржим қўшган сифатлашлар анча муваффақиятли чиққан. Агар биз “ола-қуроқ” сўзини олиб қарайдиган бўлсак, аслида бу сўз оригиналда йўқ. Бироқ мутаржим бу сўзни ўз ўрнида қўллайдики, бутун мазмунни ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни ойдинлаштириб юборган. Бу ўринда “яксон” сўзини ҳам қайд қилиш мумкин. Мутаржим худди поэзиядагидек бу сўзлар зиммасига чуқур маъно юклай олган. Оддийгина сифатлаш орқали Сантьягонинг аянчли аҳволи намоён бўлади.

Асардаги бу парча орқали биз Сантьяго образининг бутун ҳаётини, унинг босиб ўтган йўлини тасаввур қиламиз. Ёзувчи бу тасаввур орқали меҳнаткаш инсониятнинг кексайган пайтини бериш ниятида эмас. Унинг бу тасвири асарга кириш учун санъаткорона бир услуб эди. Агар мутаржим улуғ ёзувчининг услубини, асарга хос бўлган унинг бадиий қонуниятларини англамаганда эди, бу парча таржимаси ҳозиргидек муваффақиятли чиқмаган бўлар эди. Мутаржим ёзувчининг услубига мос бўлган тугуннинг моҳиятини яхши англаган. Шунинг учун ҳам И.Ғафуров асарнинг бош қаҳрамони Сантьяго портрети берилишига жиддий аҳамият беради. Ўзбек китобхони бу парчанинг ўзидаёқ Сантьягонинг бутун ҳаётини фаолиятини, унинг қандай одам бўлганлигини тасаввур қилади. Мутаржим қўллаган “ола-қуроқ”, “яксони чиққан” каби сўзларни шеърятга хос поэтик деталлар даражасига кўтарганлигини қайд қилганимизнинг боиси шунда эди. Биз “яксони чиққан полкнинг ялови” жумласининг мазмунини хаёлга келтирсак, жангу жадалларда яксон бўлган бутун бир фожиавий ҳолат кўз олдимизда гавдаланади. Агар бу сифатлашни Сантьягога қиёс қиладиган бўлсак, унинг бутун умри яшаш учун, тирикчилик учун курашиб, шу ёзувчи тасвирлаган афтодаҳол суратга келиб қолганлигини англаймиз. Ёзувчи парчада чолнинг ташқи портретини чизишда, ҳатто, қўлларидаги чандиқларни ҳам четда қолдирмайди. Бутун асарнинг тугуни шу нуқтадан бошланади.

Катта таржимашунос К.Чуновский насрий асар таржимаси хусусида гапириб шундай деган эди: “Бадиий прозанинг таржимони асл нусханинг суратини кўчирмайди, балки уни ижодий равишда янгидан барпо этади.” Иброҳим Ғафуровнинг таржимаси ҳам ижодий, янгидан барпо этилган асардир. У асар моҳиятидан келиб чиқиб ижодий ёндошади. Ўзбек китобхони тушунадиган қисқа ва содда жумлаларда фикрларни лўнда ифодалайди:

- Йўқ, - деди чол - сен бахти чопган қайиқда ов қилаяпсан. Ўшанда қолганинг маъқул.
- Эсингда борми, бир вақтлар роса саксон етти кун денгизга чиқиб, қуп-қуруқ қайтувдинг, кейин иккаламиз кетма-кет уч ҳафта кунига катта-катта балиқ ушлаб келтирганмиз.

- Эсимда, - деди чол, - сен менга ишонмаганингдан кетганинг йўқ, биламан.

- Отам мажбур қилди. Ўзим бўлсам, ҳали кичкинаман, шунинг учун уларнинг айтганини қилишим керак.

- Биламан, - деди чол. - Ўзи ҳам шундай бўлиши керак.

- Отам бўлса, унга ишонқирамайди.

- Ҳа, - деди чол. - Биз эса ишонамиз. Тўғрими?

- Бўлмаса-чи. Истасанг юр, сени терасда пиво билан меҳмон қиламан, кейин асбобларни олиб кетамиз.

- Хай майли, - деди чол. - Балиқчи балиқчини сийламоқчи экан, демак...[1]

Чол билан бола ўртасидаги бу диалог бир жиҳатдан чолнинг характерини, унинг инсоний қиёфасини кўрсатса, иккинчи бир жиҳатдан ёш ўспирин образни тўғри талқин қилган. Чол билан бола ўртасидаги муносабат ниҳоятда самимий, ота ва бола ўртасидаги яқин муносабатдек бўлиб туюлади. Бунда чолнинг нутқида ҳам, боланинг нутқида ҳам нотабиийлик сезилмайди. Сантьяго ўзининг ҳаёти давомида кўпгина кишиларни кўрган, кўп одамлар билан муносабатда бўлган. Шунинг учун ҳам у боланинг ўзига бўлган муносабатини яхши билади. Бола ҳам чолнинг ўзига бўлган муносабатини қалбан ҳис этади. Булар ўртасидаги ҳақиқий инсоний муносабат ниҳоятда табиий тасвирланган. Мутаржим биз қайд қилган фикрларни тўла англаб етганлигига аминмиз, чунки Сантьяго билан бола ўртасидаги бўлиб ўтган гап сўзларда асл нусхага нисбатан бирор ортиқчалик сезилмайди.

Гарчи чол овдан қуруқ қайтса ҳам унга бола биргалиқда балиқ овлашга чиқажаклигини билдиради. Қисқаси, омадсиз бир кишининг бола ҳимоячиси сифатида гавдаланади. Қаҳрамонлар ўртасидаги бу самимий муносабат китобхонлар дилида уларга нисбатан хайрихоҳлик уйғотади. Уларнинг келгуси ҳаёти билан қизиқади. Бу, аввало, Хемингуэйнинг юсак санъаткорлигининг белгиси бўлса, ўзбек тилида шунга ҳамоҳанг ўгирган мутаржим И.Ғафуровнинг ижодкорлик маҳоратидир.

Асл нусхада чолнинг нутқи босиқ ва содда. Унинг сўзларида бошидан кўп нарсаларни ўтказганлиги сезилади. Ўзбекчада ҳам шу хил хусусият сақланган. Мутаржим қаҳрамонлар руҳига кириб сўзлашни удалай олганлиги бу нутқда кўзга ташланади:

“No” the old man said. “But we have. Haven’t we?”[6].

Асл нусхадаги боланинг чолга ўзининг арзини айтаётгандаги Сантьягонинг фикрларига нисбатан муносабати шу тарзда берилади. Улардаги ишонч сўнмаганлиги, уларнинг омадсизлиги вақтинча эканлиги чолнинг болага берган далдасида кўринади. Ўзбек-

чада мутаржим соддагина қилиб: “Биз эса ишонамиз. Тўғрими?”, тарзда ўзбекчалаштиради. Чолдаги самимият болага бўлган меҳр шу битта “тўғрими?” сўзида акс этган. Биз бу диалогни қиёслар эканмиз И.Фафуров, К.Чуковский таъкидлаганидек Эрнест Хемингуэй тили билан гапиролган.

Ёзувчи юқоридаги келтирилган парчаларда чол билан бола ўртасидаги муносабатларни кўрсатар экан, асарнинг кейинги ривожига замин тайёрлайди. Улардаги характер хусусият очила боради. Китобхон қиссадаги чол образини кенгроқ ва чуқурроқ ҳис эта боради.

Табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, жаҳон адабиётида, энг жиддий, энг актуал муаммолардан бирига айланди. Хемингуэй чол жасоратини, унинг иродасини ҳар нарсага қодир бўлган қудратини, табиатни пайҳон қилиш нуқтаи назаридан улуғламайди. У балиқ овига борганида балиқни кўп тутиб, фойда орттириш учун эмас, ўз кунини кўриш учунгина бу ишга кўл уради. Унинг денгизда яшовчи жониворларга бўлган муносабати ниҳоятда эзгу. Уларга беҳуда озор беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Чолнинг қайиғи қармоғига тушган балиқ унга бўйин эгмай, судраб олиб кетар экан, у балиқ билан курашиш жараёнида кўп нарсаларни ўйлайди, кўпгина хотиралар ёдига келади. У ўзининг овчилик ҳаётида содир бўлган воқеалардан бирини шундай хотирлайди:

Бир куни чолнинг қармоғига балиқ илинади. Балиқларнинг эркаги аввало, ўзи йўл бериб овини урғочисига берар экан. Ана шундай бир пайтда чолнинг қармоғига урғочи балиқ илинади. Чол балиқни қармоқдан олиб, токи саранжомлагунча эркак балиқ қайиқ атрофидан кетмайди. Чол хаёлида бу ҳодисани шундай гавдалантиради:

That was the saddest thing I ever saw with them, the old man thought. The boy was sad too and we begged her pardon and butchered her promptly[6].

«Ни разу в море я не видал ничего печальнее, - подумал старик. - Мальчику тоже стало грустно, и мы попросили у самки прощения и быстро разделали её тушу»[2].

“Дунёда мен бунчалик қайғули бўлган бошқа ҳеч нарсани кўрмаганман, - деб ўйлади чол. - Бола ҳам маъюс бўлиб қолди ва мода балиқдан кечирим сўраб, кўз очиб юмгунча сарагини саракка, пучагини пучакка ажратган эди”[1].

Мана шу чолнинг хаёллари ундаги бўлган ҳамма нарсага меҳр билан қарашнинг бир белгисидир. Гарчи у овчи бўлмаса ҳам ризқи, қозонининг қайнаши шу денгизга боғлиқ бўлса ҳам, ундаги денгиз жониворларига бўлган меҳр-муҳаббат заррача ҳам сусаймайди. У ўзининг ризқи-рўзи бўлгани учунгина уларга меҳр билан қарамайди. У инсониятга қандай муносабат билан қараса, денгиздаги барча жониворларга ҳам шундай бир илиқлик билан қарайди. Асардаги бу хил тасвир Сантьягодаги инсонга хос бўлган чуқур гуманизмни кўрсатади. Бу эса ёзувчининг ҳаётга бўлган эстетик қарашларининг, инсониятга бўлган муносабатларининг белгисидир. Сантьяго характерининг бу хил берилиши аввало, таъкидлаб ўтганимиздек, биринчидан ёзувчининг ғоявий нияти бўлса, иккинчидан ёзувчи шахсидаги улуғворлик фазилати белгисидир.

Одатда овчи битта қуён отса ёки бирон балиқ тутса, унинг қизиғига қанча кўп отганини, қанча кўп балиқ тутганини ихтиёрсиз равишда билмайди. Асарда эса чол эркак балиқнинг садоқатлигига қойил қолиб, ундан кечирим сўрайди. Сени ҳам тута олмадим, дея афсусланмайди. Асарнинг бу ўринлари таржимада қайноқ ҳис билан йўғрилиб ўгирилган. Чолдаги балиққа қайғуриш, унинг ички кечинмалари оғир бир дардчил туйғу билан ифодаланадики, ёзувчи кўзда тутган мақсадни мутаржим И.Фафуров ниҳоятда теран англаганлигини кўрсатади. Бироқ мутаржим балиққа нисбатан уларнинг жинсини ажратадиган “нар” ва “мода” сўзларини ишлатганлиги бизнинг назаримизда сағал бўлмасин ёпишмай турганга ўхшайди. Чунки ўзбек тили хусусиятларидан келиб қараганимизда ҳайвонларга нисбатан “мода” сўзи кам ишлатилади. Туядан ташқари ҳеч бир ҳайвонга “нар” сўзи қўлланилмайди. “Нар” ва “мода” сўзлари одатда бизда кўпроқ қушларга нисбатан берилади. Биз шу нуқтаи назардан қараганимизда балиқларнинг ҳайвон сифатида уни “нар” ёки “мода” дейиш унча ўрнига тушмагандек туюлади, чунки сув ҳайвонлари деганимизда биринчи галда балиқ кўз олдимизга келади. Шундай экан, балиққа нисбатан “нар” ёки “мода” дейиш тўғри бўлмаса керак.

Юқорида кўриб ўтган мисолларимиздаги “сарагини-саракка”, “пучагини-пучакка” сўз бирикмаси бор. Агар биз инглизча нусхасини кўздан кечирадиган бўлсак, унда бундай сўз бирикмаси йўқ. Рус таржимони ҳам асл нусхадагидек айнан олган. Биз русча нусха билан инглизча нусхасини қиёс қилганимизда рус таржимонлари оригиналга ижодий принцип

билан ёндошмаган, уларнинг таржималари кўпроқ сўзма сўз таржимага яқин келади. Шунинг учун ҳам биз русча вариантыда мисол келтирганимизда кўпроқ аслига яқинлигини таъкидлаймиз. Биз бу сўзни кўпроқ ишлатишга текстнинг тақозоси туфайли мажбурмиз. Бу ўринда И.Фафуровнинг ютуғи шундаки, асл нусхадаги оддий қилиб айтилган сўзни жонли бир тарзда ифодалайди.

Мутаржим И.Фафуров чолдаги маъюс руҳни, ундаги тушкунлик белгиларини, унинг хаёлидан келган ҳар хил ўйларни изчиллик билан кузатиб, оддий штрихчаларга эътибор беради. Натижада таржимада чолнинг бу руҳий ҳолатлари китобхонни ишонтиради, унинг тақдирига шерик бўлади. It was too good to last, he thought. I wish it had been a dream now and that I had never looked the fish and was alone in bed on the newspaper. "But man is not made for defeat" he said. "A man can be destroyed but not defeated". I am sorry that I killed the fish though, he thought. Now the bad time is coming and I do not even have the harpoon. The dentuso is cruel and able and strong and intelligent. But I was more intelligent then he was. Perhaps not, he thought. Perhaps I was only better armed[6].

Дела мои шли слишком хорошо. Дальше так не могло продолжаться. Хотел бы я, чтобы всё было сном: я не поймал никакой рыбы, а сплю себе один на кровати, застеленной газетами.

Но человек не для того создан, чтобы терпеть поражения, - сказал он. - Человека можно уничтожить, но его нельзя победить.

«Жаль все таки, что я убил рыбу, - подумал он. - Мне придётся очень тяжело, а я лишился даже горпуна. Dentuso – животные ловкие и жестокие, умные и сильные. Но я оказался умнее его. А, может быть, и не умнее. Может быть, я был прост лучше вооружен»[2].

“Ишларим ҳаддан зиёд силлиқ кетаётувди. Бунинг узоқ давом этиши мумкин эмасди. Мендан ҳозир тила тилагингни дейишса, буларнинг бари туш бўлиб қолишини тилардим: балиқ-малиқ тутдингни йўқ, газеталар тўлашга кроватингда ялло қилиб ётибсанми ётибсан, тамом, вассалом эди.

Аммо инсон боласи энгилиб, энгилганига рози бўлиб кетавериши учун яратилмаган, деди у. Одамзотни янчиб ташлаш мумкин, бироқ уни бўйсундириш мумкин эмас.

Ҳар қандай балиқни ўлдирганим увол бўлади, деб ўйлади у, энди менга жуда оғир тушади, ҳатто гарпундан ҳам мосуво бўлдим. Dentuso – чаққон ва ёвуз, ақлли ва кучли махлуқ. Аммо мен ундан кўра ҳам ақллироқ бўлиб чиқдим. Балким ақллироқ ҳам эмасдирман. Эҳтимол, ҳаммаси дурустроқ қуролланган бўлганлигимдандур”[1].

Ёзувчининг концепцияси худди шу парчаларда намоён бўлади. Барча улуғ санъаткорларга хос фазилат шундаки, улар яратган қаҳрамон инсоннинг улуғлигини, нималарга қодир эканлигини яққол кўрсата олади. Улар учун ўртача тасвир, мужмал характер бўлмайди. Агар ёзувчи Эрнест Хемингуэй ўз мақоласида ёки нутқида афоризм даражасига кўтарилган “Одамзодни янчиб ташлаш мумкин, бироқ уни бўйсундириш мумкин эмас” деган фикрини айтганида эди, чол қаҳрамони тилидан айтганчалик бутун инсоннинг қудратини намоёиш эта олмаган бўларди. Чунки чол катта бир наҳангни ўзига бўйсундириб, тутиб олгач, унинг балиғига ҳужум қилган ваҳший акулани ҳам ўлдиргач, боши айланиб, бир афтодаҳол вазиятга тушган пайтида яна ўзига далда бериб, бу фикрларни айтади. Бундай ҳолатда инсонга берилган сифат ҳар қандай мадҳиядан таъсирчанроқ ва қимматлироқдир. Сантьягонинг бу ўзига берган далдаси ўзбекчада афоризм даражасида кўтарилган. Мутаржим чолнинг бу фикрларини ниҳоятда эҳтиром билан қадрлаб ўгиради.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, кейинги йилларда ўзбек адабиётида янги қаҳрамонлар вужудга келди. Мутаржимларимиз ҳам юксак санъат асарларини таржима қиляптилар. Америкалик буюк ёзувчи Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асарининг ўзбек тилига таржима қилиниши насримизда катта ҳодиса бўлди. Умуминсоний ғояларни ўзида мужассамлаштирган бу асар таржимаси, Америка халқи билан ўзбек халқини маданий соҳадаги ҳамкорликларининг бир кўриниш сифатида қимматлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Хемингуэй Э. Чол ва денгиз. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 6-134.
2. Хемингуэй Э. Старик и море. – М.: АСТ, 2013. – 256 с.
3. Саломов Ф. Адабий санъат ва бадиий таржима. – Т., 1986. – 471 б.

4. **Чуновский К.** Образ и слова// Литературная газета. –1962.
5. www.literature.com
6. www.E.Hemingway.com